10 598

ВОҚЕАЛАР

"ВЯТКА – ЗАРАФШОН" ЭТИКЛАРИ

БУХОРО. "Нақшбанд" ҳиссадорлик жамиятида ташкил этилган "Вятка — Зарафшон" Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб катта. Кирза этиклар ишлаб чиқаришга мослаштирилган бу корхонага хом-ашё асосан Россиядан келтирилмоқда. Хусусан, сунъий чарм, резина, картон тагпошна ва бошқалар Киров шаҳридаги комбинатдан етказиб турилибди. Эвазига эса тайёр маҳсулот берилмоқда. Янги йилдан бошлаб болалар этикчаларини ҳам тайёрлашга киришилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҒОЛИБГА ЮЗ МИНГ МУКОФОТ

ХОРАЗМ. Хива шаҳри ва вилоят туманларида маънавиятга алоҳида эътибор берилмоқда. Хонқа тумани марказидаги Хожихон Болтаев номи билан юритилувчи ёшлар хиёбони, вилоят марказида очилган "Олтин мерос" халқаро жамғармаси музейи ҳамиша гавжум. Вилоят ҳокимлиги қарори билан ўтказилган кўрик-танлов муҳим аҳамият касб этди. Маданий-маърифий ишларни яхши йўлга қўйиш бўйича Хива шаҳри танлов ғолиби, деб топилди. Урганч шаҳри билан Хонқа тумани 2- ва 3-ўринларни эгаллашди. Ғолибларга 100 минг сўмгача пул мукофоти берилди.

Рўзимбой ХАСАН.

СУРАТХАБАРЛАР

Меъморлик санъати.



Қашқадарёлик тикувчи Зуҳра Бекназарова

ЯНГИЛИКЛАР

УН КЎПАЙИБ, ЙЎЛ ҚИСҚАРДИ

НУКУС. Тўрткўлда ҳар кечакундузда 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон ишга туширилди. Сиғими уч минг тонналик элеваторни фойдаланишга топшириш ҳам айни муддао бўлди. Энди Тўрткўл, Элликқалъа, Берунийда истиқомат қилувчиларнинг оғирлари енгил, узоқлари яқин бўлди. Ун излаб 170-220 километр йўл босиб, Нукус ва Тахиатошга бориб юрилмайди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ҚИЁСИ ЙЎҚ ИНЪОМ

ТОШКЕНТ. Яқинда Тошкент Давлат молия институтида мушоира кечаси бўлиб ўтди. Кечага ташриф буюрган шоирлар: Р. Парфи, Р. Мусулмон, Н. Карим мустақиллик, миллий эркинлик ғояларини тараннум этувчи шеърларидан ўқиб бердилар. Талабалар ва шоирлар ўртасидаги қизғин савол-жавоблар учрашувга ажойиб сурур бахш этди.

Мушоира охирида институт ректори, академик М. Шарифхўжаев йиғилганларга ўз миннадорчилигини билдирди.

Азамат МАҲМУДОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 8 январь, пайшанба • № 3 (22.240).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Миннатдорчилик мактуби

СИЗ БОРСИЗ, ХАЛҚИМИЗ ЕТГАЙ МУРОДГА!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мустақиллик шарофати, олиб борилаётган доно сиёсат туфайли юртимиз тинч, халқимиз тўқ, кўнгилларимиз хотиржам. Мустақилликдан кейин жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистонимиз ривожига бугун бошқа халқлар ҳавас билан қарамоқда. Биргина бизнинг тумандаги ишларнинг ўзи кўнгилда ифтихор уйғотгулик. Ўтган қисқа вақт ичида Қизилравот сув тиндириш иншооти барпо этилди ва бир неча туман, шаҳар тоза ичимлик суви билан таъминланадиган бўлди. Бунинг барчаси халқнинг саломатлиги, турмуш шароитини яхшилаш учун қилинаётган савоб ишлардир. Бундай ўзгаришлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилмоқда. Эндиликда уйчиликлар ўз темир йўл станциясига, нефть омборига эга бўлишди. Қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб, янада обод бўлиб бормоқда. Инсон манфаатлари йилида Деҳқонобод, Даҳякота ва Гулистон қишлоқлари газлаштирилди. Янги мактаблар, қишлоқ тиббий пунктлари қурилмоқда. Янги барпо этилаётган даҳаларни электрлаштириш, йўл қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 80 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Газлаштириш бўйича халқнинг оғирини енгиллаштирадиган катта ишлар қилинмоқда.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Биз қишлоқда яшаймиз. Шунинг учун ҳам Республика Олий Мажлисининг ўтган сессиясида сўзлаган нутқингизни жон қулоғимиз билан эшитдик. Унда Сиз халқимиз кўпдан буён орзиқиб кутган, мамлакатимиз ҳаёти учун ниҳоятда қимматли бўлган қишлоқ хўжалигини оёққа қўйиш, унинг истиқболини таъминлаш билан боғлиқ жуда чуқур масалаларни теран таҳлил қилиб бердингиз.

Аслида ҳам, қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб, мамлакатимизнинг тўкис ривожига эришиш қийин. Шу маънода Сиз айтган қишлоқдаги ислоҳотлар билан боғлиқ ҳар бир фикрни биз чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз.

Мамлакатимизнинг ҳаётига дахлдор бирон-бир муаммо Сизнинг эътиборингиздан четда қолмаётгани бизни қувонтиради. Шунинг учун ҳам уруш фахрийлари, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, етимесирлар ҳамиша диққат марказида турибди. Биз эса, бу ишлар учун Яратганга шукроналар айтиш билан бирга ҳамиша Сизни дуо қиламиз. Сиздек узоқни кўрадиган раҳбар билан халқимиз ўз муродига етишига имонимиз комил. Бахтимизга ҳар доим соғ-омон бўлинг!

Уйчи тумани фахрийлари номидан:
Б. АКРАМОВ, Х. ТУРСУНОВ, Д. РАЗЗОҚОВ ва бошқалар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. **А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчилик ваколати тугаганлиги муносабати билан Молдованинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николае Дудэуни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Н. Дудэунинг юртимизда кўрсатган фаолиятига тўхталар экан, унинг нафақат хорижий давлат элчиси, балки Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотларни қалбан ҳис қилган ва қўллаб-қувватлаган инсон сифатида ҳам яхши таассурот қолдирганини таъкидлади.

— Молдова Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланганингиз ҳам қувонарли воқеа, — деди Ислом Каримов. — Зеро, Ўзбекистонда элчилик вазифасини ўтаган кишининг бундай масъулиятли лавозимга тайинланиши биз учун ҳам фахрли.

Н. Дудэу самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, юртимизда кечирган йиллари ҳаётининг энг ажойиб дамлари сифатида ёдида қолажагини айтди. У ўз миссияси даврида Ўзбекистон — Молдова муносабатларини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўша олганидан мамнуният изҳор этди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Хитой ташқи ишлар вазири Кьян Кичен мамлакатда меҳмон бўлиб турган Ироқ делегациясини ишонтириб айтдики, Хитой Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга эришмоқчи. Бу албатта Форс кўрфазидаги тинчликни сақлаш учун хизмат қилади.

* * *

Исроилдаги сиёсий танглик мўлжаллаб қўйилган Фаластин — Исроил тинчлик музокараларини ўтказишга ҳалақит бермайди. Бу музокаралар Вашингтон шаҳрида ўтказилади. Бироқ уч томонлама учрашув ўрнига АҚШ Президентининг икки мамлакат раҳбари билан алоҳида-алоҳида музокаралари бўлиб ўтади. Шу боис Билл Клинтон 22 январь куни Вашингтонда Ёсир Арафот билан учрашади. Икки кун олдин эса Беньямин Нетаньяхуни қабул қилади.

* * *

Ҳиндистон шимолидаги Уттар-Прадеш штатида иккита йўловчи поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида 12 киши ҳалок бўлди ва 50 киши оғир жароҳатланди. Ҳалокатга қалин тумандан ташқари йўлни кесиб ўтаётган тоғ эчкиси ҳам сабаб бўлди. Поезд эчкини уриб юборгач тўхтади. Шу пайт орқадан келаётган поезд биринчиси билан тўқнашиб кетди. Иккинчи поезднинг машинисти эса ҳалокатнинг олдини олишга улгуролмай қолди.

* * *

Нацистлар томонидан Европа мамлакатларидан ўғрилаб кетилган олтинларнинг бир қисми Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига келиб қолганлиги маълум бўлди. Аввал Португалияга келиб қолган тиллалар Индонезия, Филиппин ва Хитойга Португалиянинг Макао деб номланган мустамлакаси орқали келиб қолган. 1969 йилда Португалиядан Макаога «Рейхсбанк» муҳри босилган 4 тонна олтин қуйилмаси етиб келган. Олтиннинг маълум бир қисми Япония орқали Хитойга келиб қолган эди.

* * *

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банкининг маълумотларига кўра Жанубий-Шарқий Осиёдаги молиявий инқирознинг бошланишига Осиё мамлакатларига қисқа муддатли заёмларнинг берилиши сабаб бўлган эмиш. Ўтган йилнинг 1-ярмида қисқа муддатли заёмлар сони кўпайиб ушбу ҳудуддаги мамлакатларнинг давлат қарзи кўпайиб кетган. Худди ана шундай қисқа муддатли заёмлар 80-йилларда Лотин Америкасида ва 94-йилнинг охирида Мексикада молиявий инқирозни вужудга келтирган эди. Шу боис ҳам эндиликда Лотин Америкаси мамлакатлари аччиқ тажрибадан хулоса чиқариб қисқа муддатли заём олмасликка ҳаракат қилишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. МУСТАФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

Бўритош Мустафоев ваколат муддати тугаганлиги сабабли қайта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 январь.

БАНК УЧУН ЯНГИ БИНО

ЖИЗЗАХ. Вилоят марказида ишга туширилган ихтисослашган «Ғаллабанк»нинг янги биноси шаҳар кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Уни 26-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари қадимий меъморчилик усуллари асосида қисқа фурсатларда барпо этдилар. Яқинда ушбу бинонинг топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Уни Жиззах шаҳар ҳокими Сарвар Худоёров кириш сўзи билан очиб, банк биноси қурилишида жонбозлик кўрсатган қурувчиларнинг бир гуруҳига эсдалик совғаларини топширди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

ОГАҲИЙГА ЭҲТИРОМ

ХОРАЗМ. Урганчнинг Мустақиллик майдонида Огаҳийга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалтарош Шавкат Усмонов бобокалонимизни китоб ушлаб турган нуроний қиёфада ифода этган. Вилоят ҳокими қарори билан бу майдонда маърифат ва маънавият маскани барпо этилди. Огаҳий театри, вилоят кутубхонаси ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, яхлит маърифий мажмуани тўлдирди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Маълумингизким, шу йил 5 январда Ашгабадда Марказий Осиёдаги беш республика Президентларининг учрашуви бўлди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари Давлат бошлиқларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

* * *

Пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейи янги экспонат билан бойиди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ясалган мис кўзани фарғоналик Дилбархон ая Рустамованинг қариндош-уруғлари мамлакатимиз раҳбарига туҳфа этишга қарор қилишганди. Йўлбошчимиз миллий санъатимизнинг бу ноёб дурдонаси тақдим этилганидан мамнун бўлиб, уни сақлаш учун Темурийлар тарихи давлат музейига топширишни таклиф эттанди. Куни кеча шу совғани топширишга бағишланган маросим бўлди.

Тошкентда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг VI бош ассамблеяси бўлди. Республикада олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, халқаро майдонларда мамлакатимизнинг спорт шарафини оширадиган юксак малакали спортчилар тайёрлаш борасида кўп иш қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг сессиясида юртбошимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Озарбойжон ва Грузия ҳукуматлари делегациялари ўртасида музокараларда Транскавказ йўлаги орқали товар-маҳсулотлар ташиш ҳажмини янада ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, ўзаро тўлов ҳисоб-китобларни тартибга солиш, Транскавказ йўлаги инфратузилмасини ривожлантиришга боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

***

Германиянинг «Алкател» фирмаси ёрдамида Қизилқум марказида жойлашган Томди шаҳарчасида симсиз алоқа йўлга қўйилди. 250 телефон аппаратига хизмат қиладиган станция эндиликда чўпонлар учун ҳам анча енгилликлар туғдирди.

Диққат, янги рукн:

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган _____

_____

_____

Ҳозир қаерда яшайди _____

_____

Узоқ умр кўришнинг сири _____
(қисқа баён этилади)

_____

Юз ёшнинг хулосаси _____
(қисқа баён этилади)

_____

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

МАЪНАВИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мустақиллик қадамлари

Озодлик, ҳуррият, истиқлол туйғуси одамзотни янгилайди, ёшартиради, онгини ғуборлардан халос этади. Миллий истиқлол ва ҳуррият ва тўла-тўкис эришган халқ биринчи навбатда келажаги бўлмиш ёш авлоднинг таълим ва тарбияси ҳамда маънавияти ҳақида ўйлайди. Йўқса у яна тутқун бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

XX аср (1901 — 1990 йиллар) тарихига назар ташлайдиган бўлсак, инсоният ақл мусоҳабасидан бир оз бўлса-да толиқди. Ушбу даврда техника одамзотнинг қисман бўлса ҳам «душманига» айланди. Бу даврда таъбир жоиз бўлса, техникавий тараққиёт ривожланган давлатларнинг жаҳонда ягона ҳукмронликни қўлга киритишга қаратилган ҳаракатлари тезлашди. Бу ҳолатнинг баъзи бекатларида инсониятнинг асрлар оша маънавият, инсонпарварлик борасида тўплаган ютуқлари бой берилди. Жумладан, бунга биринчи ва иккинчи жаҳон урушларидаги воқеаларни эслаш бизнингча кифоя.

Асримизнинг сўнгги ун йиллигида инсоннинг юқоридаги фожеалардан хулоса чиқариб, биргина ақл асосидагина эмас, балки руҳ ва ақл ўртасида ўйғунлашиб кетган комиллик асосида иш юрита бошлади. Шу боис ҳуррият остонасига илк қадам қўйган мустақил мамлакатлар маънавият масалаларига катта эътибор қаратдилар. Жумладан, озод ва ҳур Узбекистонимизда ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб маънавият масалаларига ғоят катта эътибор берилди. Ёшларимизга жисмоний, руҳий, маънавий баркамол бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратила бошланди. Боиси, Президент Ислом Каримов «Мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт», — деб ҳақ гапни айтдилар. Юқоридаги ҳикматнинг замирида истиқлол ва истиқбол ғояларини ошириб ётибди, яъни «Узбекистон келажаги ёшлар қўлида». Шунинг учун ёшларимизнинг онгига ва қалбига маънавиятни сингдириб бориш лозим.

Хўш, маънавият нима ўзи?

Бизнингча, маънавият илоҳий тушунча. Яъни унинг замирида руҳ ошириб ётади. Маънавияти бебаҳо халқ доимо эзгуликка интилади. Эзгулик — бу комиллик, яъни ақлий, жисмоний, руҳий томондан баркамоллик тушунчасини англатади. Бизнинг давлатимизда ҳам бу хусусиятлар тўла намоён бўлаяпти. Мана йўлбошчимиз ташаббуси билан 1994 йил 23 апрелда мамлакатимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Президентимиз 1996 йилнинг 4 сентябрида эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарияти ва бошқарув аъзолари билан учрашди. Салкам уч соатлик мулоқот давомида жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат, эҳтиром, Ватанга меҳр-муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш сингари бугунги ҳаётнинг долзарб масалалари хусусида гап борди. Тарихий учрашувдан сўнг ҳафта ўтмасдан маънавият муаммолари бўйича Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланди. Ҳуллас, «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» деган шиорнинг ҳақлигини халқимиз теран англади.

Маълумки, миллатимиз азалдан юксак маънавиятли халқ бўлиб келган. Ўрта асрларда Туркистон халқи маънан тоғнинг баланд-баланд чўққиларини забт этган.

Аллома Баҳоуддин Нақшбанд инсоний комилликнинг икки жиҳати мавжуд дейди. Биринчиси — ботиний, маънавий, иккинчиси — зоҳирий, ижтимоий фаолиятга доир. Шу боис донишманд аждодларимизнинг кўнглидаги интилишлари билан, соф амаллари бир-бирига ҳамоҳанг бўлган. Амал бу қалб амали бўлмоғи керак.

Бизга маълумки, инсон доимо тараққиёт орзуси билан гўзал ва тирик. Бироқ ҳар қандай тараққиёт маънавият билан узвий боғланмоғи керак. Боиси «маънавият — тараққиёт мезони ва омили»дир.

Бизнингча, бугунги дунё одамлари маънавият нима эканлигини тушуна бошладилар. Жаҳонда бироз бўлса-да ядро қуроллари синовини секинлик билан тўхтатиш, оммавий қирғин яроғларига барҳам бериш, экология ва табиатни асрабавайлаш борасида ишлар олиб борилаяпти. Давроқе, буларнинг барчаси инсоният қалбида ҳали ҳам эзгуликка интилиш алангасининг сўнмаганидан далолат беради.

Собиқ СССР пароканда бўлганидан кейин давлатимизда «Маънавият — миллат кўзгуси»га айланди. Эндиликда эса XXI аср бўсағасида турибмиз.

Бугунги кунда ҳар бир кишида учта: жисмоний, ақлий ва руҳий куч шакллана бошлади, яъни жисмоний кучнинг негизида меҳнат, ақлий кучда билим ва тарбия, руҳий кучда эса эътиқод ва иймон ётади. Бизнинг давлатимизда маънавий баркамол бўлган янги кишилар гуруҳи пайдо бўлди. Уларнинг дили, тили, амали бир хил — покиза... Янги узбеклар энди ерга қандай ниҳол экиб, ҳосилини қандай қилиб йиғиб олишни яхши биладилар.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Файзулло ЭШҚУЛОВ.

Менда **таклиф** *бор*

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ— ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

Мустақилликдан сўнг турли соҳаларда компьютерлардан фойдаланиш катта самара бермоқда.

Республикамизда компьютерлаштириш, компьютер тармоқлари ва тизимини татбиқ этиш, янги техника ва технологияларни олиб кириш, халқаро Интернет тизимидан фойдаланиш, йўлдош алоқаларидан фойдаланиш тараққиётимизни тезлаштиришга катта имкон беради.

Махсус компьютерлаштириш ва ҳисоблаш тармоқлари борасида иш олиб борувчи ташкилотлардан катта масъулият талаб этилади. Амалиётда татбиқ этилаётган компьютерлардан келаётган самара етарлимикан? Агарда келажакда компьютерлар татбиқини, улар назоратини махсус ташкилотлар зиммасига юклатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Давлатбек АҲМЕДОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ХИЗМАТ ҲАҚҚА ЯРАША БЎЛСИН»

Газетанинг 1997 йил 10 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Хазорасп туманидаги бозор атрофига жойлашган автомобилларнинг «Пуллик тўхташ жойлари» талабга жавоб бермаслиги танқид қилинган эди. Мақола юзасидан туман ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хати олинди.

Туман ҳокимлиги шуни маълум қиладики, мақола бозорга тегишли бўлган ташкилот раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама этилди ва айбдор ташкилот раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Автомобилларнинг «Пуллик тўхтаб туриш» жойи «Кийим-кечак бозори» ҳиссадорлик жамиятига ва туман автомобиль йўллари бошқармасига қарашли бўлган.

Ҳозирда у туман автомобиль йўллари бошқармасидан тортиб олинди ва вилоят «Автойўл» бошқармаси ҳисобига ўтказилди. «Автойўл» бошқармаси томонидан ушбу майдончалар замонавий услубда қайта таъмирланди, кириш ва чиқиш дарвозалари қурилди, теварак-атрофларига темир панжаралар ўрнатилди, асфальт ётқизилди.

«Кийим-кечак бозори» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишини қайта кўриб чиқиб, аҳолининг шу кунги талаблари даражасига кўтариш чора-тадбирларини амалга оширмоқда.

Туман ҳокимлиги «Кийим-кечак бозори» ҳудудининг бош режасини ишлаб чиқди. Шу асосда қурилиш объектларини жойлаштириш масаласини ўз назоратига олди.

Хазорасп туман ҳокимининг ўринбосари
Р. ИБРАГИМОВ.



Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

Сайхунобод туманидаги машина-трактор парки ходимлари 13 та хўжаликнинг техникасини марказлашган ҳолда таъмирдан чиқариб беради. Айни пайтда техника воситалари сифатли қилиб таъмирланиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан айрим лавҳалар.

ХДП хабарлари

СЕССИЯ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Республика Олий Мажлисининг янги йил арафасида бўлиб ўтган ўнинчи сессияси мустақил мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик жамият, миллий маънавиятни шакллантириш ишига хизмат этувчи муҳим қонунларни қабул қилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сессияда сўзлаган ўз нутқида қишлоқда туб ўзгаришларнинг янги босқичига ўтиш зарурлигини асослаб, шу соҳадаги амалий ишлар бош йўналишларини белгилади.

Ушбу ҳужжатларни пухта ўрганиб чиқишнинг партия аъзолари, ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти, яқинда, партия ташкилотларининг Олий Мажлис ўнинчи сессияси ҳужжатлари, юртбошимизнинг ундаги нутқи мазмун-моҳиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этишни уюштириш борасидаги вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, МК Котибияти, маҳаллий партия ташкилотлари, фаоллар ва тарғиботчиларга услубий ёрдам сифатида тайёрланган, сессия ҳужжатларини ўрганиб чиқишнинг Намунавий режасини ҳамда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга мўлжалланган маърузалар, мулоқотлар, суҳбат ва илмий-назарий анжуманлар Намунавий мавзуларининг рўйхатини маъқуллади. Куни-кеча улар маҳаллий партия ташкилотларига юборилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ОДАМНИНГ ОЛАСИ ИЧИДА

Термиз шаҳрида бундан роппа-роса бир йил муқаддам даҳшатли қотиллик содир этилди. Қотил деновлик Ҳакимов Юсуф бўлиб, у шу пайтгача бирон жойда ишламаган. Фақатгина енгил-елпи ҳаёт кечириш, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриш унинг одати. Бировларнинг молига кўз олайтириб, осон йўл билан пул топишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Ўрта мактабни бир амаллаб битирган Ю. Ҳакимов Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 7-уй, 14-хонадонда яшовчи амакиси Муҳибилло Сатторовнинг уйига келиб, вақтинчалик яшай бошлади. Хонадон эгалари унга ишониб уйини ҳамда болаларини ташлаб кетишарди. «Одамнинг оласи ичида» деганларидек кунларнинг бирида Юсуф амакиси ишончидан фойдаланиб, яхши ният билан йиғилган 6 минг сўмни ўғрилайди. Ва жуфтакни ростлаб қолади.

Хонадон эгалари 6 минг сўм пул жойида йўқлигини, пулни амакиси Юсуф олганини билишади. Аммо юз хотир қилиб:

— Йўқ, кел... Балки жуда зарур бўлиб қолгандир. Эҳтимол қайтиб жойига қўяр, — деб эри-хотин бир-бирини овутишди.

— Арзимаган пулни деб оғайнилар, қишлоқдошлар, олдида гап сўзга қолиб кетмайлик, — деди хотинига Муҳибилло. Хотини Барно ҳам эрининг раъйига қараб, милицияга хабар бермади. Ҳа, афсуски шундай қилди.

Ўғриликни одат қилиб олган Ю. Ҳакимов юқоридаги жиноятн учун жазо олишдан қутулиб қолганлигини билиб, ўз амакиси хонадонига иккинчи бор ўғриликка тушди. У қулфни бузиб, уй ичига кирди. Ичкарида вояга етмаган норасида ғудаклар Омондулла ва Дилафрўзлар бор эди. У қимматбаҳо видеомагнитафон ва пулларни олиб кетмоқчи бўлиб турганда, уйи ва болаларидан хабар олиш учун келган хонадон соҳибаси Барно Тўраевага рўбарў келди. Барно Юсуфни жиноят устида кўриб, уни ушлаш чораларини кўрмоқчи бўлганида жиноятчи ўз қилмишини яшириш, жиноят изларини йўқотиш, қолаверса, жазодан қутулиб қолиш мақсадида Тўраева Барнонинг қорин-кўкрак қисмига дастлаб бир марта пичоқ урди. У оғриққа чидай олмай, атрофдан ёрдам сўраб энгашган чоғда орқа томонига яна пичоқ урди. Аёл бақиришда давом этиб, жон ҳолатда чинқирарди. Аммо унинг овозини ҳеч ким эшитмас, бу ваҳшийликни ўз кўзлари билан кўриб турган норасида фарзандлари бирон ёрдам қилолмас, фақат улар ҳам қўрқувдан бақириб-чақирарди. Қотил эса аёлнинг бақинига яна икки бор пичоқ уриб, ваҳшиёна ўлдирди. Онасини ваҳшийларча ўлдирган кишини кўриб югурган Омондуллога қотил бир неча марта пичоқ уриб, шафқатсизлигини кўрсатди. Шу тариқа икки кишининг ҳаётига зомин бўлган жиноятчи учинчи гувоҳ — 3,5 ёшли Дилафрўзни ҳам йўқ қилиш мақсадида ўта раҳмсизларча унинг ҳам бошига етди.

Шундан кейин Ю. Ҳакимов видеомагнитафон ва 660 сўм пулни олиб, воқеа жойидан қочиб кетди. Аммо қотил прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларининг кўрган тезкор чоралари натижасида зудлик билан ушланди. Тергов ҳаракатлари олиб борилиб, у якунлангач, судга юборилди. Жиноятчи Ҳакимов Юсуф ўғрилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланиб, унга олий жазо — ўлим жазоси берилди.

Ўрол СУВОНОВ,
Сурхондарё вилояти прокуратурасининг катта криминалист прокурори.
Чори ЖУМАҚУЛОВ,
журналист.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Республика ёнилги-энергетика мажмуининг етакчи корхонаси — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг маҳсулотига қўшни давлатларда, жумладан Тожикистонда ҳам қизиқиш катта. Чунки бу маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига мос келади. Маҳсулотнинг дастлабки тури — авиация керосинига «Ўздавстандарти» томонидан сифат шаҳодатномаси берилгани бунинг ёрқин далилидир.

(Ўз мухбиримиз).

«Эҳтиром» китобига ёзилганлар

ДИЛ ОРАЛАБ, СЎЗ САРАЛАБ

«Олий тоифали ўқитувчи» даражаси берилган Мажид ака қаерда, қандай мавзуда маъруза қилмасин, аввало пухта тайёргарлик кўради, уни маҳаллий далиллар билан боғлайди. Тингловчиларнинг маълумот даражаси, ёши ва ишини албатта ҳисобга олади. Қуруқ сафсата ва қироатхонликка берилмайди.

Шу кунларда Мажид ака Неъматов ХДП Шаҳрисабз туман кенгашининг тарғиботчиси, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик коллежининг «Маънавият ва маърифат» марказининг фаол аъзоси сифатида Президентимиз Фармонлари, унинг асарлари ғояларини, ҳукуматимиз қарорларини оммага кенг тушунтирмоқда.

Тажрибали педагог, моҳир нотиқ, тарғиботчи Мажид ака ўзининг кўп йиллик педагоглик ва тарғибот-ташвиқот ишларидаги алоҳида хизматлари учун ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром» китобига ёзилди.

Қаршибой БЕРДИЕВ,
журналист.

Ҳаётнинг зарурияти кўнгилда кечаётган ҳис-туйғуларга қулоқ солишдир. Бас шундай экан, ўз қалбини тушунмаган, унга эгалик қила олмаган инсон ким ва қаерда бўлишидан қатъи назар ўзгаларнинг қалбига, шуурига кириб боролмайди.

Профессионал бокс бўйича кўп бора жаҳон чемпиони Муҳаммад Али 1960 йилда Олимпияда чемпиони деган табаррук ном хурсандчилигини ўз дўстлари билан баҳам кўриш учун АҚШ ресторанларидан бирига кириб, "биз қора танлиларга хизмат қилмаймиз" деган ирқий таъна-дашномни эшитгач, кўксида йилтираб турган ғолиблик олтин медалини қутириб оқаётган дарёга улоқтириб юборган эди. Ушбу воқеа менга тоза ва муқаррар руҳ, мунис қалб, эгилмайдиган, топталмайдиган ғурур билан разолат ҳамда таҳқир курашини нечоғли аёвсиз бўлишини ўргатди. Муҳаммаднинг юксак орияти, мағрурлиги қаршисида Олимпиада чемпиони деган шарафли ном ҳам ҳеч нарса эмаслиги аён бўлди. У чемпионлик тугул бошқа бирор ундан-да юксакроқ вазифани уддалаган тақдирда ҳам миллатчилар орасида ҳеч ким бўлаолмаслигини тийран ҳис этди. Қолаверса, ўзига ўхшаган миллионлаб эътиқодли чемпионларнинг ўзлиги ила қора танлиларнинг камситилишига қарши умидбахш кураш бошлашга қарор қилди.

Назаримда, биз учун ҳам тахминларнинг вақти ўтди. Мақсадимиз жисмоний тарбия ва спортда тенгсиз натижаларга эришиш экан, имкониятни ўзимиздан қидиришимиз лозим. Таннинг ички-илоҳий қудрати билан ташқи оламдаги мавжуд шарт-шароитни боғлай олмасак, енгиш санъатидан бутунлай бебаҳра қоламиз. Оқибатда спорт тараққиёти хусусида бир тўхтамга келолмаймиз.

Яқинда пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби мажмуида яна бир жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Волейболчиларимиз Тайван ҳамда Австралия терма жамоаларини қабул қилиб, ҳар иккаласида ҳам мағлубиятга учради. Натижада шу йил Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг бахтли йўлланмасидан қуруқ қолишди. Йўлланма Австралия волейболчиларига топширилди. Бундан ҳар ким ўзича таъсирланди. Мағлубиятларимизнинг сабаби турлича талқин этилди. Мустақиллигимизнинг ўтган олти йили мабойнида волейбол ўйинини кўнгил хоҳиши даражасига олиб чиқолмаганлигимиз ўзимизга панд берди. Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Биродар Абдураимов, Лина Черязева сингари чемпионларимизнинг, имон- эътиқодли спортчиларимизнинг сафини янада кенгайтиришнинг чораси борми?

Ўзбекистон — Австралия волейбол терма жамоалари ҳал қилувчи учрашувининг биринчи партияси 15:7 натижа билан туғади. Қолган икки партияда ҳам меҳмонларнинг қўли баланд келди. Умумий ҳисоб 3:0 ! Ғолиб Австралия терма жамоаси. Саралаш баҳсларидаги икки учрашув натижасига кўра бизнинг терма жамоамиз бирорта ҳам очкога эга бўлиша олмади.

Навбат мусобақалардан кейинги матбуот конференциясига келди. Марказий ҳарбий спорт клуби мажмуининг олтинчи хонасида жамоалар раҳбарлари билан журналистлар ўртасида мунозара бошланди. Келинг, бу ҳақда кейинроқ фикрлашайликда, эътиборимизни Австралия терма командасига қаратайлик.

Умуман олганда Австралияда волейбол бўйича мамлакат ички чемпионати ўтказилмайди. Ёшлар ва ўсмирлар бундан албатта мустасно. Мамлакат бор-йўғи ўн етти штатдан иборат. Команда тузишдан олдин бош мураббий Стелио Деликко штатлардаги спорт раҳбарларига энг баланд йигитларни пойтахтга жўнатишни илтимос қилди. Шу билан бир зумда терма команда ташкил этилди. Мамлакат спорт институтида жиддий машғулотлар ўтказилди. Ушбу институтда йил давомида турли спорт мусобақалари ўтказилиб турибди. Оврупо клублари истаган волейболчиларни шартнома асосида шу маскандан олиб кетаверади.

Австралияда волейболга шароит ўртамиёна. Шу сабаблими, терма команда ўтган галдаги жаҳон чемпионатида қатнаша олмади.

— Бу йилги асл мақсадимиз, — дейди бош муррабий С. Деликко —қандай бўлмасин жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш эди. Мақсадга етдик. Тахминий ҳисоб-китобимча Японияда совринли ўринлардан бирини эгаллашимиз аниқ...

Мураббий ҳақ. Унинг гапларига ишонмай иложимиз йўқ. 1997 йилнинг сентябрь ойида ўтказилган Осиё чемпионатида Австралия терма командасининг анойи эмаслиги, тайванликларнинг енгилмаслиги ва ўзимизникиларнинг енголмаслиги исботланди. Унда Австралия иккинчи, Тайван учинчи, Ўзбекистон терма командаси эса ўн бешинчи ўринни олган эди. Алқисса, юртдошларимиз ушбу кўрсаткичлардан ҳам тегишли хулосаларни чиқариб олишмади.

Ўзбекистон — Австралия учрашувидан кейинги матбуот конференциясида бизникилар ҳамиша, ҳар жойда, ҳар жабҳадагидек ўз мағлубиятларини, иш дастуридаги нуқсонларини иқтисодий қийинчилик, пулнинг йўқлиги билан хаспўшлаб ўз зиммаларидан масъулиятни соқит этишга тушиб олишди.

Сергей Мячин – терма командамиз бош мураббийси:

– Тан олишимиз зарур, бугунги рақибимиз Австралия терма командасига ҳақиқий профессионал волейболчилар йиғилган. Бизникилар орасида эса фақатгина иккита профессионал тоифадаги йигит бор. Терма командамиз асосан шу йилдан бошлаб расмий номга эга бўлди. Муаммоларимиз ҳали жуда кўп. Саралаш учрашувларига кўнгилдагидек тайёрлана олмадик. Пул топиш қийин бўлди.

Александр Серебринников – команда сардори:

– Яхши ўйин кўрсатиш, ғалаба қилиш учун албатта иқтисодий шароит ҳам бўлиши зарур. Менимча бизнинг барча муаммоларимиз пулнинг йўқлигига бориб тақалади. Шу сабабдан саралаш учрашувлари олдидан терма командамиз чет элларга чиқиб, халқаро учрашувларда қатнашиб тажриба тўплай олмади. Йигитларимизнинг кўпчилиги бошқа соҳаларда ишлайдилар. Жиддий шуғулланишга имконимиз йўқ...

Тўғри, терма командамиз раҳбарларининг фикрларида ишонса бўладиган гаплар ҳам бор. Аммо бу ишонч мамлакатимиз спорт қўмитаси, волейбол федерацияси ходимларининг салгина бўлсада жонни ачитиб ишламаётганлигини, лаёқатсизлик қилаётганлигини ойдинлаштиради. Аслида касални яширсанг иситмаси ошкор қилади деган гап шу-да. Нопрофессионал спортчиларни профессионалларнинг ўртасига ташлаш ит билан мушукни олиштиргандай бир гап, бу биринчидан албатта. Иккинчидан, қўлидан осонлик билан чиқариб юборилган барча мусобақалар охир-оқибатда пулсизлик ва тажрибасизлик баҳонаси билан хаспўшланиши кейинги пайтда оммавий тусга киритилди. Шу ўринда бир саволнинг туғилиши табиий: Хўш, катта миқдордаги пул билан юксак тажрибанинг қандай боғлиқлик томони бор? Пул тажрибага чақиладими ёки тажриба пулгами? Бу борада чет эллик замондошларимизнинг ҳаётига бир назар ташлайлик. АҚШ профессионал баскетболчиси Майкл Жордан 1997 йил давомида 78 млн. 300 минг доллар даромад қилди. Эвандер Холифилд эса 54 млн. 300 минг доллар топди. Машҳур теннисчи Сампроснинг соф даромади 14 ярим миллиондан ошиб кетди. Нима учун уларнинг фойдаси бу қадар юқорилаб бормоқда? Чунки тажрибаси шунга лойиқ. Йил давомида АҚШга соф спорт туфайли бир миллиарддан ортиқ доллар оқиб борди. Мамлакатдаги спорт иншоотларининг кўркамлиги шуғулланувчиларга яратилган шароит мана шу [illegible] эвазига талаб даражасида бунёд қилинган. Бизда эса не [illegible] аксинча. Спортчиларимизда, спорт клубларимизда на пул, на тажриба йўқ. Биз жисмоний тарбиядан фойда олиш ўрнига бошқа соҳалардан тушган фойдамизни спорт тараққиётига совурамиз.

АҚШнинг мустақил давлат сифатида тикланганлигига 200 йилдан ошди. Ўзбекистон эса эндигина етти ёшга қадам қўймоқда. Бундан ҳали бизнинг спортчиларимиз америкаликлар даражасига бориши учун анча вақт бор экан, деган хулоса чиқармаслик зарур. АҚШнинг эришган натижаларини биз 10-15 йил ичида босиб ўтишимиз учун тўла асос бор. Ҳозирги замон тараққиёти шуни талаб этади. Бунинг учун биринчи галдаги масала деб пулни тушуниш ўта тубанликдир. Маблағ ва юқори даражадаги тажрибага эришишнинг муҳим воситаси сифатида инсоний ва миллий ғурурни ўртага ташласак кўзланган мақсадга эришишимиз тезлашади. Пул масаласи инсонни инсон қилиши ҳам мумкин, шунингдек инсонийликдан чиқариб юбориши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ғурур, мардлик, соф вужуд, меҳр-шафқат, адолат, эрк ва эркинлик, ватанни севиш, саждалар келтириш кунлик турмушнинг бош мезони қилиб олинган ҳар бир юртда кўзлаган мақсадга осонлик билан эришилади. Миллатпарварлик-бахтнинг калити деб бекорга айтилмаган.

МИЛЛАТНИ СЕВ,



I

II

III

БУ САФСАТА ЭМАС

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон олти кунлик «танаффус»дан сўнг яна ишга чиқди.

* * *

Олдиндан қилинган ҳисобларга кўра, Литвада бўлиб ўтган президентлик сайловларининг иккинчи навбатида Валдам Адамкус ғалаба қозонган.

* * *

Франциядаги иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволда қолган ишсизлар турли шаҳарлардаги ўн учта ишга жойлаштириш муассасаларини куч билан ишғол этганлар. Уларнинг талабларига ҳукумат ён берган эди. Аммо бу ишсизларни қаноатлантирмаяпти.

* * *

Италия Бош вазири мамлакатнинг мудофаа, ташқи ва ички ишлар вазирлари билан биргаликда ноқонуний иммиграция масалаларини муҳокама қилди.

* * *

Кейинги йигирма беш йилда биринчи марта НАСА ойга учаётган ракеталарни парвоздан олдин қисмларга бўлиб текширадиган бўлди.

* * *

Қирғизистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари бир кунлик ташриф билан Ўзбекистонга келади.

* * *

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Валдайга дам олиш учун келди. У бу ерда қисқа муддатли меҳнат таътилида бўлади.

АЙБСИЗ-АЙБДОРЛАР

Перу ҳукумати терроризмда адолатсиз равишда айбланаётган 69 нафар маҳбусни озодликка чиқарди. Уларнинг айримлари беш йилдан кўпроқ турмада ўтирган. Перу ҳукумати кўп йиллардан буён сўл инқилобий-қўпорувчилар ҳаракати аъзоларига қарши кескин кураш олиб боради. Тупак Амару ва Сендеро Луминосо шундай ҳаракатнинг кўзга кўринган вакилларидир. Улар билан бирга баъзан айбсиз фуқаролар ҳам ҳибсга олинмоқда. Уларни оқлаш учун 1996 йилда қўпорувчиликда айбланиб қамалганларнинг ишини қайта кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилган эди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳининг маълумотларига кўра, Перу қамоқхоналарида қўпорувчиликда айбланаётган қарийб тўрт минг киши сақланади, уларнинг олти юз нафари айбсиздир.

БАЙРАМ КЎНГИЛЛАРНИ ЮМШАТДИ

Рождество байрами нафақат одатдагидек диндорларни, балки дийдаси қотган судьяларнинг ҳам кунглини юмшатди. Германиянинг Франкфурт шаҳридаги қамоқхоналардан бирида жазо муддатини ўтаётган Йорган Шнейдерга байрамни уйида нишонлаш учун рухсат берилди. У катта миқдордаги банк ҳужжатларини қалбакилаштирганликда айбланади. Судьяларнинг айтишича, Шнейдер қаллобликни касб қилиб олган жиноятчилар қаторига кирмайди.

ТЕХНИКАВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ

ТЕҲРОН. Эрон ва Тожикистон мудофаа вазирлари Али Шамхоний ва Шерали Хайруллоев икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади.

Эрон томони Тожикистон Қуролли Кучларига техникавий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мамлакат ичкарисидаги хизматни такомиллаштириш ҳамда малакали кадрлар етказиб бериш борасида кўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

ТЕЗКОР БОЖХОНА ХИЗМАТИ

Находканинг қирғоқларини Тинч океани ювиб турадиган ҳудудларида фаолият кўрсатувчи Узоқ Шарқ тезкор божхона хизмати ташкил этилди. Маҳаллий божхона бошқармаси мутахассисларининг маълум қилишича, мазкур божхона хизмати Россия иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлашда милиция вазифасини ҳам бажаради. Янги тузилмада 200 дан ортиқ ходим бор. Улар тезкор ишлайдиган махсус зобитлар бўлинмаси, терговчилар ва мамлакатнинг бошқа тегишли идоралари мутахассисларидан иборат.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Россия Президенти Борис Ельцин ва Германия канцлери Хелмут Кол телефон орқали икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг 1997 йилги натижаларини муҳокама қилди. Шунингдек, улар Россия — Франция — Германия «учлиги» раҳбарларининг учрашувига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди. Сим орқали суҳбат йигирма дақиқа давом этди.

Б. Ельцин 1998 йилнинг биринчи ярмида Екатеринбургда бўлиб ўтадиган мазкур учрашув юзасидан шу йил 1 январь куни Франция Президенти Жак Ширак билан ҳам телефон орқали суҳбатлашган эди.

ТУРКИЯНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ



СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Шифокор огоҳлантиради

Тошмуҳаммад Хушвақтов — алгоритм заводининг тиббий санитария қисмида уролог-андролог бўлиб ишлайди. У киши билан мулоқотимиз асосан ҳозирги кунда эркаклар орасида тез-тез учраб турадиган касалликлар тўғрисида бўлди.

— Бизга беморлар асосан шамоллаш, яъни эркаклик безининг шамоллаши, яллиғланиши безовта қилаётганидан шикоят қилишади, — деди у. — Уларнинг ичида ёш болаларнинг кўплиги ачинарли ҳолдир. Чунки бугун номозхон болалар кўпайган. Улар кунига беш маротаба таҳорат олишлари лозим. Болалар ҳам, катталар ҳам кўп ҳолларда совуқ сувда таҳорат қилишади. Бу эса эркаклик безининг шамоллашига олиб келади.

— ***Бунда қандай ҳолатлар кузатилади?***

— Болаларни сийдик каналида ачишиш, бел, думғаза атрофида оғриқ пайдо бўлади. Катталарда эса мижоз сусаяди, уйқу бузилади, асабийлашади, ич қотиш кузатилади. Шундай ҳоллар юз берганда улар дарҳол урологга мурожаат қилишлари лозим.

— ***Кўп ҳолларда эркаклар ўз соғликларига бефарқ бўлишади ёки ўз билганларича даволанишади. Сиз уларга қандай маслаҳат берасиз?***

— Жуда тўғри айтдингиз. Эркакларимиз шифокорга мурожаат қилмасдан билибми-билмайми ҳар хил дориларни истеъмол қилишади. Яхши бўлдим-ку дея касалликни яширин даврини ўтказиб юборишади. Нохуш аҳволга тушиб қолгачгина бизга келишади. Уларга маслаҳатим ўзлари билан бирга турмуш ўртоғини ҳам олиб келиб биздан ва аёллар маслаҳатхонасидан тегишли тавсиялар олса айни муддао бўларди. Оналар ҳам ўғилларини уродогларга олиб бориб, тегишли йўл-йўриқ олиб турсалар кейинчалик «аттанг» дейишнинг олди олинади. Чунки вақтида даволанмаса, шифокор тавсиясига амал қилмаса, оқибатда бепушт бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам кўп ҳолларда бепуштлик сабаб бўлмоқда. Соғлиғингиз ўз қўлингизда. Уни бой берманг!

Хонбиби ҲИММАТ қизи суҳбатлашди.

Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ,
Қарши Давлат университети проректори, профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Империя сиёсий идораларининг Туркистондаги ишчи ва инқилобий ҳаракатга қарши изчил кураши сабаби фақат маҳаллий аҳолида озодлик ҳаракати уйғонишидан хавотирликгина эмас ва балки яна бошқа муҳим асос бор эди. Генерал-губернатор ички ишлар вазирига юборган хатида шу ҳақда оғиз очган. У Туркистондаги инқилобий ҳаракат метрополиядаги ҳукуматга қарши иш кўраётган фирқаларга катта мадад эканлигини уқтиради. «Чекка ўлкалардаги кучли ташвиқотнинг мақсади, — ёзади у, — қўзғолон кўтариш, ҳукуматни қийин аҳволга тушириб, уни Россиянинг Оврўпо қисми инқилобчиларга қарши курашини кучсизлантиришдир». Генерал-губернатор ана шу махфий хатида сиёсий полиция ва разведка материалларига таяниб, Туркистондаги инқилобий ҳаракат XIX асрнинг 80-йилларидан бошланганини айтади: «Рус аҳолиси ўртасидаги инқилобий ҳаракат ўлкага маъмурий сургун қилинган ва ҳукуматга қарши шахсларнинг пайдо бўлиши, икки темир йўл қурилиши ва фойдаланишга топширилиши билан Туркистонга кўп сонли миқдордаги ишчиларнинг келиши билан бошланган. Худди шу одамлар, шунингдек ўқувчи ёшлар ва қисман аскарлар инқилобий ташвиқот учун қулай материал бўлди». У ўз сафига 8 минг кишини бирлаштирган Бутунроссия темир йўл иттифоқи Ўрта Осиё бўлимининг ўта хавфли фаолиятига тўхталади: «Инқилобий ташкилотлар, — таъкидлайди подшонинг ноиби, — темир йўл ишчилари доираси билан чекланмай бутун Туркистонни ўз тармоқлари билан қоплаб, Тошкент, Қўқон, Ашхобод вилоятлари қўмиталарига уюшдилар, ҳали ғўр ўқувчи ёшлар доирасига ҳам кириб олдилар. Қўмиталар ўз босмаханалари, қурол-яроғ омборлари, бомба ясовчи устахоналарга, жанговар отрядларга эга эди. Айрим қўшин қисмлари, айниқса темир йўл ва сапёр батальонлари ҳамда Қўқон, Марв ва қисман Ашхобод гарнизонлари ҳам ташвиқотга учди».

Сиёсий изқуварлар — Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси махсус бўлими бошлиғи Васильев ва унинг ходимларидан иборат марказ гуруҳи ҳамда махфий сиёсий полиция — ТРМБ бошлиғи Квицинский кузатув ва таҳлиллари асосида янги тайинланган генерал-губернатор, кавалерия генерали А. В. Самсонов (1909—1913) рус инқилобчиларининг мустамлака тузумига берган зарбаси

10

ва Туркистон халқларининг миллий онгини уйғотишдаги таъсирини шундай баҳолади: «Собит эътиқодли мусулмонларнинг дунёқарашида улкан тўнтарилиш юз берди ва биз ана шу тўнтарилишнинг амалий оқибатларини кўриш арафасида турибмиз. Бу оқибатлар номаълумлиги билан жумбоқли, айрим белгиларига кўра эса, ўлкадаги ҳозирги аҳволимиз учун жуда таҳликалидир».

Кавалерия генерали Самсоновнинг 1909 йилда императорга юборган хати метрополия ҳукмдор доиралари ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлди. Туркистонда руслаштириш жараёнини кучайтириш ва қаттиққўллик билан сиёсат ўтказиш тарафдорлари генерал-ғўбернаторнинг ўлкада жандармерия хизматини жорий этиш, полиция штатларини кўпайтириш, жиноят-қидирув идораларини таъсис қилиш таклифини қўллаб чиқдилар. Эҳтиёткор амалдорлардан ташқи ишлар вазири граф Ламсдорф «Туркистондаги умумий аҳвол халқаро аҳвол билан яқин алоқадорлиги, Россиянинг чегарадош Осиё мамлакатлари ўртасидаги таъсири ва нуфузи билан боғлиқлиги» ҳақида гапириб, Бош губернаторнинг таклифига қўшилмайди. Граф Ламсдорф ҳамма гап Туркистондаги рус маъмурларининг «маҳаллий аҳолининг тилини билмаслиги, унинг турмуши ва урф-одатларидан бехабарлигида» эканлигини уқтириб ўтади. Ташқи ишлар вазири Туркистонга ўз вазифасига сидқидил қаровчи яхши маъмурият кераклигини таъкидлади. Ўлкада 30 йилдан бери хизмат қилиб келаётган, ўлкашунос олим сифатида танилган генерал Н. С. Ликошин ҳам уни қўллаб, ўлкани руслаштиришда рус зиёлиларидан самарали фойдаланишни таклиф қилди. Аммо, Санкт-Петербургнинг олий доираларида қаттиққўл сиёсат тарафдорларининг қўли баланд келди. Рус дворян-помешчиклари ўлкани руслаштиришнинг иқтисодий тарафини кўзлаб, Давлат Думасида Туркистон ўлкасидаги «ортиқча» ерларни мусодара қилишни ёқлаб мухолифларини сиқувга олишди. 1910 йил 7 апрелда Давлат Думаси «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»нинг 270-моддасини «Туркистон кўчманчиларининг ортиқча ерларини колонизация эҳтиёжлари учун» мусодара этишга рухсат берувчи қўшимча билан тўлдириш масаласини муҳокама қилди. Шунда Уфа губерниясидан келган, миллати бошқирд ноиб Думада қозоқ ва қирғиз ноиблари йўқлигидан афсусланиб ўз сўзида ҳукумат ва Дума Ўрта Осиёни иқтисодий ва маданий ривожлантириш бўйича ҳеч қандай ислоҳот қилмаганини уқтирди ва «ортиқча ер» деган гап тагида очиқ зўравонлик ётганини эслатди. Қозон губерниясидан келган ноиб эса Туркистон аҳолиси сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилибгина қолмай, энди неча-неча авлодлардан мерос ерларидан ҳам маҳрум бўлиши хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини огоҳлантирди. Аммо рус мустамлакачи шовинистларининг овози баланд келиб, қонун лойиҳаси қабул қилинди ва 1910 йил 19 декабрдан кучга кирди. Тўққиз йил ичида ана шу қонунга кўра Сирдарё — Фарғона кўчирувчилик райони бўйича ерли халқнинг 744,9 минг десятина ери русларга тақсимлаб берилди. Подшонинг зироатчилик бўйича вазири Кривошеин императорнинг диққатига Туркистондаги рус колонизацияси истиқболи ҳақидаги дастурини ҳавола қилиб, ўлкада 300 минг бақувват рус хўжалигини барпо этиш учун 3 миллион десятина суғориладиган ерни мусодара қилишни таклиф қилди. Империя олий доиралари ана шу мақсадни амалга ошириш учун Туркистонда шафқатсиз иш кўрувчи «кучли ва бақувват» ҳокимият бўлишга майл билдирди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

11

Оддий мисол: таниқли Майк Тайсон бундан бир неча йил муқаддам хотинбозликда айбланиб, АҚШ Конституциясида озодликдан маҳрум этилган эди. Кейинчалик бу муҳлат 20 йилга, сўнгра 12 йилга ва охири 6 йилга туширилди. Тайсон бор-йўғи 4 йилча қамоқда ётиб чиқди. Ёки Эрон футбол терма командасининг жаҳон чемпионати финалига чиқиш умидида ҳаттоки, ҳақиқий мусулмонликни бажо келтириш учун беш вақт намоз ўқишни ҳам йиғиштириб қўйганлиги тўғрисидаги хабар бутун дунёга овоза бўлди. Шу билан улар мақсадга эришдилар. Балки, бунда қандай синоат бор дерсиз?! Америкаликлар анойи эмас, улар Тайсоннинг қамоқда чириб ётганидан кўра, мамлакат шавкати учун рингда муштлашиб юришини афзал билдилар. Халқ иродаси Конституцияси устувор эканлиги АҚШ ва Тайсон мисолида яққол намоён бўлди. Эрон футболчилари эса, фақатгина мусулмончилик қонун-қоидалари билан эмас , балки футбол билан ҳам мамлакат шуҳратини мустаҳкамлаш зарурлигини тушуниб етдилар.

Тўғри, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун бизнинг мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда улкан ишлар амалга оширилди.

ҒОЛИБ БЎЛАСАН!



Президент томонидан махсус Фармон қабул қилинди. Хорижликлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳомийлар топиш йўлга қўйилди. Бу борада кимдир фидойилик билан имкон қидирмоқда яна кимлардир пул, шарт-шароитнинг йўқлигини рўкач қилиб, Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги тайёр ғолибликни бой бермоқдалар. Жиддийроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, буларнинг остида ўз устида ишламаслик, мавжуд шароитга тўғри баҳо беролмаслик, танбаллик ётганга ўхшайди.

Волейбол бўйича шу йил Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг йўлланмасини бой берган терма командамиз раҳбарларининг баҳонаси менга эскидан қолган бир ҳангомани эслатади: Нима бўлибди-ю қозилар туя, хўроз ва тулкини суд қиладиган бўлишибди. Туяга «ҳамиша ишга кеч келади, ҳеч нарсага улгурмайди» деган айб қўйилибди. Хўрозга эса, «хотинбоз» деган гуноҳни тақашибди. Тулкини «ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсинмайди, раҳбарларнинг айтганини қилмайди. Ҳаммани алдайди» дея жазолашни талаб қилишибди. Суд туядан бошланибди. Оқловчи ўрнидан туриб туянинг ишга кеч келишига битта сабаб бор, бечора жудаям секин юради, югуришни эплолмайди, шунинг учун ҳам бирор ишга ўз вақтида улгурмайди, демак, бу табиий ҳол. Шунинг учун уни кечириш мумкин, қўйинглар, шу ўзимизнинг туя-да, нима бўлса ҳам орамизда юраверсин дебди.

Навбат хўрозга келибди. Оқловчи «хўрозни хотинбозга чиқарманглар. Ахир, товуқлар шуни талаб қилгандан сўнг бечора нима қилсин?!» деган фикр билан уни ҳам оқлаб юборибди. Судлов гали тулкига етганда яна оқловчи сўз олиб, «мен тулкининг нима учун ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсинмаслигини, ҳеч кимнинг гапига кирмаслигини, ҳаммани алдашининг асл моҳиятини жуда яхши биламан. Бечорагина жудаям айёр, шумтака, устаси фаранг тулкида, шундай қилмаса куни ўтмайди. Шафқат қилайлик, у ҳам орамизда юраверсин ўзимизники ахир, айбидан ўтмай иложимиз йўқ» дея тулкини ҳам жазодан сақлаб қолган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, йўл қўйилган хатоларни ишларимиз юришмаётганлигини ёпиш учун баҳоналар ҳамиша топилади. Энг ёмони, бирор айб қилишдан олдин уни ёпиш йўлларини ҳам тайёрлаб борамиз. Ишбилармонлар, эътиқодли [illegible] ҳозирги пайтда ёмон яшаётгани йўқ. Нима учун футбол, теннис, бокс, енгил атлетика, от спорти, шахматчиларга топилган ҳомийлик волейболчиларимизга топилмайди? Балки кимдир ҳали бизда волейбол у даражада тараққий этмаган, унга қизиқувчилар кам, деб фикримизга эътироз билдириши мумкин. Юз фоиз ишонч билан айтаманки, эътироз ноўрин. Чунки спорт журналистларимиз Қўқоннинг «Автомобилчи» волейбол командаси ҳақида мақола ёза бошлаганига бир неча ўн йиллар бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам ушбу команда турли мусобақаларда қатнашиб, шуҳрат қозонганлиги рост. Мустақилликдан сўнг у янада юксак поғоналарга кўтарилиши шарт эди. Ундай бўлмади. Демак, волейбол федерацияси талаб ва замон даражасида иш олиб бормаган. Командани профессионаллаштириш тўғрисида қайғурмаган.

Тажриба, маҳорат ўз-ўзидан туғилмайди. Бунинг учун спортчига тиришқоқлик, мустаҳкам ирода зарур. Шунинг орқасидангина ғалаба қўлга киритилади. Машҳур футболчимиз Миржалол Қосимов ўз-ўзидан етук ҳимоячи, моҳир ҳужум ташкилотчиси бўлиб етишмаган. Маълумотларга қараганда, 1993 йил «Пахтакор» командаси асосан владикавказликларнинг Миржалолга шартнома асосида тўлаган миллион рубли эвазига яшади. Ҳаракат қилса бўлар экан-ку. Нега волейболчиларимиз, шу соҳа раҳбарлари хорижга спортчи чиқариш масаласида жиддий ўйлашмайди? Айб кимда? Ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмаслигини улар тушуниб-тушунмасликка олмоқдалар. Натижаси ҳаммага маълум. Ҳамюртимиз Артур Григорян ўзининг жасорати, уддабуронлиги, меҳнатсеварлиги билан тўрт бор жаҳон чемпиони бўлди. Шунингдек, Олмос Юсуповнинг жаҳон чемпионатидан келтирган олтин медалида ҳам Ватанга, миллатга алоқадор чексиз муҳаббат, матонат, фидойилик ётибди.

Волейболчиларимизнинг ишини орқага тортаётган яна бир оғир жароҳат — миллий қадрият муаммосидир. Майдонда ҳаракат қилаётган олти йигитдан тортиб, уларга ҳомийлик, тарафкашлик ҳамда раҳбарлик вазифаларини бажараётган энг сўнгги шахсгача аввало ўзининг кимлигини ҳамда кимлар билан куч синашаётганини ҳис қилиши жоиз. Ғалабага эришиш заруриятидан ҳам юқори турадиган енгилмаслик санъатини кунлик фаолиятига қўшиб олиб бориш айни муддаодир. Шахсиятпарастлик, сохта шуҳратпарастлик шууримиздан ювиб ташланмас экан, биз қадрият ва онг муаммосидан қутила олмаймиз. Бу икки тушунча ҳар биримизни мағрурликка, адолатга чорлайди. Бунга тил ва фикрлаш масаласини қўшиш билан миллат тафаккурга, қайта уйғонишга эришиш мумкин. Натижада ҳар қандай муаммо осонлик билан ечила бошлайди.

Ўзбекистон - Австралия учрашуви, умуман ушбу саралаш мусобақаси давомида шарҳлар рус ва инглиз тилларида олиб борилди. Бирорта ҳам ташкилотчи Давлат тили тўғрисидаги ҳукумат қонунига эътибор бермади. Ваҳоланки, мусобақаларни томоша қилиш учун тўпланган ишқибозларнинг саксон фоизи маҳаллий миллат вакилларидан эди. Мусобақа ташкилотчиларининг тилимизга нисбатан беписандлиги, совуққонлиги яна қанча вақт давом этса, спорт мусобақаларидаги мағлубиятларимиз, бир-биримизни тушунмаслигимиз ҳам шунча чўзилади. Давлат тилига эътиборсизлик билан қараган шахс маҳаллий халқ урф-одатларини, маданий ва маънавий меросини, руҳиятини ҳам тушунмайди. Тушунмаслик оқибатида қадрият, онг, ғурур, ифтихор, фидойилик, ватанпарварлик фазилатлари ичидан зил кетади. Мақсад ва имконият, ҳамжиҳатлик йўқолади.

Журналистлар билан волейболчилар, мураббий ва федерация раҳбарлари ўртасида ўтказилган матбуот конференциясида мухбирлардан бири «Мусобақалар давомида нима учун ўзбек тилида шарҳ олиб борилмади?» деган саволни ўртага ташлади. Мамлакатимиз волейбол федерациясининг бош котиби Леонид Айропетянц унга шундай жавоб қайтарди: «Тил масаласида ҳам ўйлаб кўрганмиз. Шарҳловчи қайси тилни яхши билса, шу тилда сўзлашга рухсат берилган». Жаноб Айропетянцнинг жавобидан шу нарса равшанлашдики, Давлат тили тўғрисидаги ҳукумат қонуни бўлса-да, ҳар ким билган тилда гапиравериши мумкин экан. У ҳолда қонуннинг нима кераги бор эди. Афсуски, бизнинг спорт мутасаддиларимиз ҳалигача ушбу қонунга хилоф равишда фаолият кўрсатмоқдалар. Мусобақаларнинг ташкилотчилари ўртасидаги лоқайдлик ҳамиша тараққиётимизга акс таъсир этмоқда. Тил — маънавият белгиси, тил — миллий анъаналарнинг эътироф этилиши, ҳисобга олиниши демакдир.

Бугунги мақоламиздан мақсад шуни эътироф этишки, фикр, бирикиш, ҳамдардлик, ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қилиш, муҳаббат ва фидойилик бўлмаган жойда ғолибликни орзу қилиш тасодифга суянишдек тахминий гап. Тахмин ҳеч қачон муқаррар натижага бошламайди. Ирода спортчиларимизга истаганимизча муваффақият келтириши мумкин. У Ватанни қанчалик севишимиз, унга нисбатан эътиқодимиз билан ўлчанади. Ҳаётда ўлчов бирлиги борки, ҳамма нарса яхши ва ёмонга бўлинади. Тан олайлик, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўзимиздан келиб чиқади.

Нормурод МУСОМОВ.
Журналист.

Спорт ва эътиқод

IV V VI

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 8 yanvar, payshanba № 3 (22.240).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Ўзбек насри

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

БОҒ КЎЧАДАГИ УЧРАШУВ

(Қиссадан парча)

1

Шаҳзоданинг халоватини ўғирлаб, хотинининг сўзлари билан айтганда уни «меров» қилиб қўйган воқеа аслида шундай юз берганди.

Шаҳзода ўзининг хос навкарлари билан овдан қайтарди. Кўнгиллари чоғ, ов ўнгидан келганди. Хуржунлари тўла ўлжа. Бири жўшиб-тошиб тулкини қандай қулатганини гапирса, иккинчиси учиб кетаётган гозни мўлжалга олганлигини керилиб сўзлайди. Шаҳзода ҳам ҳали яқиндагина Зарафшон бўйларидаги тўқайзорда худди ёш болалардек қувнаб қийқирганларини хаёлидан ўтказиб келарди. Шу пайт аёл кишининг ўта нозик овози қулоққа чалинди. У от жиловини тортди. Навкарлар ҳам тўхтади. Киши қалбида ажиб бир ҳис уйготувчи бу овоз ўнг томондаги боғдан эшитиларди. Шаҳзода қулоқ тутди.

Юрагим дардлидир тингловчи борму,
Қат-қат бўлган дардимни англовчи борму?

Шоир табиатли эмасми, шаҳзода бу мунгли сўзларни эшитди-ю, номатлуб бўлса ҳам девор оша мўраламоқчи бўлди. Шу ниятда тўриқни девор ёнига яқинлаштирди, икки оёғини узангига тираб, қаддини ростлади. Қай кўз билан кўрсинки, бир соҳибжамол катта чинор тагидаги сўрида узоқларга тикилган ҳолда қўшиқ куйларди. Шаҳзоданинг унга кўзи тушди-ю, хаёли қочди. Қани энди ҳеч ким халақит бермаса, у куйлайверса шаҳзода эса термулиб, маҳлиё бўлганча тураверса. Аксига олиб тўриқ ер депсинди-да кишнаб юборди. Сўридаги соҳибжамол беихтиёр овоз келган томонга қаради. Қаради-ю, кўзи шаҳзодага тушиши билан «вой» дея ўрнидан шошиб турди. Уйи томон уч-тўрт қадам ташлади-да, яна бир бор кўз қирини ўша томонга бурди. Бу сафар, у нигоҳини узолмади. Борлиқни унутди. Кўзлар кўзларга тўқнашганди. Иккиси ҳам кўзларда сўзлашарди. Шу пайт ўнг томондаги уйдан чугурлашиб уч-тўрт аёл чиқишди. Улар сўри томон келишарди. Шаҳзоданинг нигоҳида соҳибжамолнинг ним кулиши муҳрланиб қолди.

Йўлда кетар экан ов палласида олган завқини унутди. Хос навкарлари ҳамон завқ-шавқ билан ўз таассуротларини сўзлашарди. Лекин эндиликда уларнинг гаплари шаҳзоданинг қулоғига кирмасди.

Кун бўйи нигоҳида муҳрланиб қолган ўша соҳибжамолнинг сийрати хаёлидан кетмади. Қани энди унинг бир оғиз сўзини эшитса, қайданам чугурлашиб ўша хотин-халажлар пайдо бўлди.

Шаҳзоданинг тинчи бузилганди. Тавба, бу не ҳол, тунда икки бор уйғонди, кўз очиши билан нигоҳида яна ўша гўзал пайдо бўлаверди. Ҳам ҳайрон эди ўз аҳволига, ҳам уяларди. Қайси бир китобда ўқиғон эрди, то киши таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмагусидир, нединким ишқ бешак таъби латифликдин пайдо бўлур. Ҳар нарсаки, таъби латифликдан пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур...

Кеча эрта билан шу ерга келганди. Уни кўрмади. Мана, ҳозир шаҳзода яна ўша боққа ошиқипти.

Тавба, бу нимаси, юраги гупурини қулоқлари эшитаётгандай. Ўша хонадонга яқинлашгач, бу овоз тезлашгандек туюлди унга. Тўриқ от соҳиби майлига монанд йўрғалаб бораётир. Олдин ва ортдаги соқчи навкарлар ҳайрон. Шаҳзода қаерга боришларини айтмадилар, йўл мобайнида бир оғиз ҳам сўз демадилар, ўз хаёлларига ғарқ. Фақат ҳар замон-ҳар замонда «сўлга», ёки «ўнга» дердилар.

Манзилга етиб келишди. Шаҳзода навкарларга хийла нарироқ бориб туришларини буюрди-да, ўзи худди кечагидек икка оёғини узангига тираган ҳолда қоматини ростлади. Навкарлар илинж нимада эканлигини энди англаган эдилар. Ҳовлида ҳеч зоғ кўзга ташланмади. Лекин шаҳзода турган еридан силжимади. Бир четдан бошлаб ҳовлидаги ҳамма нарсани бирма-бир нигоҳидан кечирди. Ана, олди равон ҳашаматли уй. Унда амир ҳожи Сайфиддин яшаса керак. Унинг чап ва ўнг томонида бироз пастроқ қурилган уйлар. Қай бирида чўри ва қуллар, қай бирида канизаклар истиқомат қилишар. Ҳамма ёққа сувлар сепиб супурилган, саранжом-сариштa.

Қизиқ, кеча ҳам келганлигидан хабардормикин у, тун бўйи тўлгонганидан-чи, мактубини олганмикан? Шаҳзода келди, термулганча шу ерда, шу жойда илҳақ бўлиб, ўша соҳибжамолга яна бир бор кўзим тушсайди, деб турди. Анча турди. Лекин ўша оташ нигоҳни, эндиликда унинг ихтиёрини бутунлай ўзига тобе қилиб олган нигоҳни кўрмоқлик насиб этмади. Изтироб ила мактуб битиб, девор оша ташлади-кетди. Кун бўйи ўзини билмай юрди. Қай ишга қўл урмасин, хаёлида ўша нигоҳ, шаҳзода юрагига ўт қалаган оташ нигоҳ. Шунчалар ҳам бўлурми жон олишлар, киприкларини найза этиб отишлар... «Бағрим яро, сендир даво» деб ёзган эди кечаги мактубида шаҳзода.

Канизакнинг ҳам эс-ҳуши жойида эмасди. Ким бўлди у кеча девор оша мўралаган йигит? Тикилиб қолганини эслади, ўзидан андак ҳижолат ҳам бўлди. Ростда бегона бир йигитга очиқ юз билан тикилиб қаради. Ўша пайтда ростига кўчиладиган бўлса, ихтиёри ўзида эмасди. Кўзларингни олиб қоч, дейиш осон, лекин алар менга бўйсунмаса, ихтиёр менда қолмаган бўлса не қилай. Шу хаёллар, шу ўйлар билан кеча кунни ўтказди. Туни билан ухлай олмаган канизак чўриларига «тобим қочиб турибди» деди-да, алламаҳалгача тўшакда у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб ётди. Кўзини очса ҳам, юмса ҳам ўша мўралаб турган сулув йигит хаёлида гавдаланарди.

Кўринишидан зодагон хонадон соҳибига ўхшайди. Мен унинг тенги эмасдурман. Оҳ-воҳ қилишга ҳам ҳожат йўқ турур. бундай эрка, тантиқ, ҳавасини жиловлай олмайдиганлар янги гулни кўрсалар интилурлар. Борди-ю бир ҳидлаб, сўнг улоқтириб ташлаб кетадиганлар хилидан

2

бўлса-чи. Бундайлар камми, ниятига етгунча нималар демайди, муроди ҳосил бўлгач эса имкон қадар нарироқдан йўл тутурлар. Эшитганим бор шундайларни. Мўралаган йигит ана ўшалардан биттаси бўлиб чиқса-чи. Унда нима қилгаймен, не одам бўлурмен. Айтгандек, мен ким эрурмен, ҳожам билса соғ қўймагай мени. Мулозим, чўрилардан қай бири бу ҳангомаларни анга етказса не деюрмен. Ихтиёрингни жиловла, бунчалик эрк бермоқликка ҳақ-ҳуқуқ йўқ турур сенда, нечун бундай тутгайсен ўзингни?

Ақл шундай дер, бир зумгина унинг ҳукми таъсир этар, лекин бир зум, сўнг яна исён қиларди қалби, яна ўша нотаниш йигит, унинг чиройи, кўзлари, қарашлари бутун тўлалиги билан хаёлида тикланиб, барча ўйларни четга улоқтириб ташларди.

Канизакни шу ҳолатга солган шаҳзоданинг тарифини эса уни ўз кўзи билан кўрган, унга замондош бўлган муаррих Ибн Арабшоҳдан эшитинг: «Халил Султон Юсуфдек чиройли, Муҳаммаддек хуш-ҳулқли, Халилдек мулойим, Исмоилдек садоқатли бўлиб, малоҳат белгиларини ўзида жам қилган, турли-туман латофатларга эга киши эди».

Канизак нонушта қилиб, ҳовлига тушганда кун аллақачон ёйилиб кетганди. У ўша жойга, кеча шаҳзода мўралаган ерга қаради. Негадир оёқлари уни ўша ёққа элта бошлади. Бориб кечаги ҳар бир ҳаракатини қайта ва қайта хаёлан тиклади. Ўша нотаниш йигитнинг боқишларини ҳам. Мана бу ерда турган эди шекилли. Аввалига ундан нигоҳини олиб қочди, ерга қаради. Шу пайт кўзларини тиккан ерда тўрт букилган шойи қоғозга нигоҳи тушди. Қоғоз ерда ётмайди, унда илоҳий сўзлар бордир, ким тушириб қолдирибди, деган ўй билан энгашиб уни олди. Очиб қараса мактуб. Ўқий бошлади, сатрларга кўз югуртирар экан, аввал қўллари, сўнг бутун вужудида енгил қалтироқ турганлигини ҳис этди. Мактуб ўшандан, кечаги мўралаган йигитдан. Шундай сўзлар битибди: «Бағрим яро, сендир даво». Мактубдаги сўзлар уни сархуш айлади, ҳозирги тобда борлиқни унутганди. Нотаниш йигитнинг сўзлари унинг тилида қайта жаранглай бошлади - бағрим яро, сендир даво. Энди нетарман, қай аҳволга солдинг мени, эй, хушрўй йигит! Кўрмай қолибман, тўшакда ағанаб ётгандан кўра эртароқ турса бўлмасмиди, ғафлат босмаганида дийдорини яна кўрмоқни насиб этарди.

Канизак кун бўйи шу ҳолатда бўлди. Яшириниб олиб, мактубни қайта-қайта ўқирди. Кечга яқин ундаги ҳар бир сўзни у муқаддас билиб, ёд олди. Лаблари пичирлаб уни қайтарарди. Тунни қандай ўтказганлигини ўзи ҳам билмайди, ухладими, кўзи илиндими йўқми - аниқ билмайди. Илло хаёлан ўша нотаниш йигит билан гойибона суҳбат қилганлиги рост.

Эрталабки номозни ўқигач, ҳали жуда барвақт бўлишига қарамай, ҳовлига тушди. Чўрилар ва хизматкорлар ишини кўздан кечирган бўлди, ўзича. Аслида эса ўша ёқдан, девор томондан нигоҳини узмасди. Келақолса-чи! Ҳожаси сафарда бўлганлиги ҳам кўп яхши бўлди-да.

Шу пайт чўри уни нонуштага таклиф қилди. Равонда ўтирар экан хаёли ҳам, нигоҳи ҳам ҳамон ўша томонда. У бирдан шошиб фотиҳа ўқиди-да ўрнидан турди. У келган эди...

Шаҳзода кеча қайтиб кетганди. Бугун эса уни кўрмагунча туравериша аҳд қилган. Унинг кўзлари катта уй олдидаги равонга михланиб қолгандек. Шу пайт эшикларнинг биридан аёл киши чиқди. Қаранг, бу ўша-ку. Ҳовлига тушмасдан зинанинг бош томонида турган ҳолда атрофни кўздан кечирди. Бўй-бастига яраша тикилган кўйлак, унинг устидаги нимча бағоят ярашганки, асти қўяверасиз. Бошида шоҳи рўмол. Шаҳзода ортиқ чидай олмади. «Эҳ-ҳе», деб ўйталган бўлди. Чамаси канизак буни сезмади. Шаҳзода қаттиқроқ ўйталди. Канизак бу сафар товуш келган тарафга ярқ этиб қаради. Қаради-ю «вой» деб зинадан пилдиллаганча ҳовлига тушди. Унинг оёқлари беихтиёр одим ташларди, юраги эса қинидан чиқиб кетгудай ҳолатда. Деворга уч-тўрт қадам қолгач таққа

3

тўхтади. «Сизмисиз» деди беихтиёр, эгилиб салом берди. Шаҳзода ҳам, канизак ҳам ҳийла вақт оғиз очишга журъат этмади. Улар бир-бирларига тикилишганча ҳайратдан лол. Аввалига дамба-дам кўзини олиб қочаётган канизак эндиликда шаҳзода ҳолига тушганди. У ҳам нигоҳини узмай, ҳатто киприкларини юмишдан чўчигандек михланиб қолганди. Шу ҳолатда орадан қанча вақт ўтди -- улардан ҳеч бири билмасди. Ҳар иккиси ҳам сеҳрланиб қолгандек гўё. Қандайдир куч, сеҳрли қудрат ҳар иккисини қуш қилиб учириб, осмоннинг еттинчи қаватидаги тахтиравонга ўтказиб қўйгандек эди. Мана уч кундан бери ҳар иккиси ҳам бирбирларининг хаёллари билан яшаётганлиги эндиликда сир эмас. Лаб очиб, сўз айтиб ҳозирги бу илоҳий туйғуларга тегиб кетишдан иккиси ҳам жуда-жуда чўчир эди.

-Исмингиз недир, париваш? - йигит киши эмасми, биринчи бўлиб шаҳзода оғиз очди.

-Шодмулк,- канизак шу сўзни айтди-ю, борлигига титроқ югурди.

-Мен шаҳзода Халил Султон Мирзо эрурман.

-Вой ўлмасам, ҳожам кўрса, шаҳзодани гапга солиб юрадиган ҳали сенмисан, деб мендан ранжийдилар, - шундай деди-ю орқасига тисарилди.-Мени маъзур тутгайлар, узр...

-Шодмулк, қўрқманг, андек сабр айланг. Ҳожангиз билан ўзимиз сўзлашурмиз, хавотир олманг. Ўтган куни бир бор кўзларимиз тўқнашган пайтда юрагимга тушган чўғ кун бўйи ҳаловат бермади, менга. Билсангиз, шу кун менга бахт-у тахт ато этилган кун.

-Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, сиз аслзодаларнинг аслисиз, мен эсам оддий канизак.

-Агар билсангиз, Шодмулк, сизга маҳбуб бўлмоқликни султонликдин ортиқ кўрурмен. Шаҳзода бўлсам-да ҳуснингиз олдида гадо сифатмен. Билсангиз, севгида шоҳлар ҳам гадо бўлгай, гадолар эса шаҳаншоҳ.

-Бундай ғалати сўзларни айтмангиз, халойиқ не дер? Ахир мен... Мен бир хожанинг канизагимен, сиз эсангиз... Сиз эсангиз... - бутун борлиги титраётганидан Шодмулк ортиқ сўзлай олмади, гаплари қовушмаётганди. У ўз ҳожасининг тағмаси* эканлигини айтмади, қандай қилиб айтсин, қай юз билан. Қолаверса, кимсан шаҳзодага бу сўзларни айтиши даркорми. Ҳозирги учрашув бир тасодиф-ку. Мени эрмак қилмоқ нияти бўлса-чи, унда на қилурмен. Канизакмен - тамом-вассалом.

-Билмам, сизда не бор - сеҳрму жоду, ёлғиз илинжим ҳуснингиз закотидир, мен канизакмен деб эрурсиз, мен учун сиз малаксиз, ҳурсиз, - Халил Султон худди ғазал ўқиётгандек ҳаяжон билан сўзларди.

Бундай нафис сўзларни умрида эшитмаган Шодмулк довдираб қолди. Оҳ бу сўзлар, ҳар бири юракни қалқитар, қандайдир, ҳали ўзи ҳам тушуниб етмаётган туйғуларни, жиловсиз ҳисларни уйготарди. Бир кўнгли шарт бурилиб кет, етар энди, дерди, лекин бундай қилишга эндиликда унда қудрат йўқ. Сўз қайтарай деса гапира олмайди. У сеҳрланиб қолганди.

-Бутунлай боғландим, билсангиз сизга, - Халил ҳамон жўшиб сўзларди, -Тамоман асир бўлмишмен, маҳлиё эрурман сизга, дилнигорим, дилбарим. Сиз эрурсиз шодлигим, бойлигим, мулким менинг. Энди йўқдир менда тоқат, йўқдир ҳаловат. Ишонинг, қўнимсиз ошиқ эрмасмен. Худо ҳаққи, сўзларим рост!

Халил Султон гаплари поймапой чиқаётганлигини ўзи ҳам сезиб турарди. Айни пайтда шаҳзоданинг руҳий ҳолати шундай эди, юрак ўйноқлар, босиқ гапиришга имкон бермасди.

Шодмулк ҳамон қаловланарди, шу қадар довдираган эдики, дили нимадир сўзла деса ҳам тили айлана қолмасди. Шаҳзоданинг жон олувчи сўзларига монанд гапни топа олмай, изтироб чекарди. Қани энди шу тобда кўнглидан кечаётган туйғуларни сўзга кўчира олса. Туйғулар жиловдан чиқиб кетганди аллақачон...

Шу пайт узоқдан уч-тўрт суворий, улар орқасида эса икки отарава кўзга ташланди. Улар шу тарафга келишарди, ҳар ҳолда шаҳзода эмасми, Халил отининг жиловини аста тортаркан, Шодмулкка ўгирилиб аста деди:

-Сизга одам қўюрмен, англадингизми, одам қўюрмен, ўзимга сўраттурурмен. Сизсиз эндиликда дунё ғариб кўзимга, дилим ғариб, ўзим ғариб билсангиз...

Шаҳзода отига қамчи босди. Тўриқ олга қараб ўқдек отилди. Навкарлар унга эргашди.

4

ХАНҒОМАЛАР

– Кучугим йўқолиб қолди, нима қилайин?

– Газетага эълон беринг.

– Яхши, лекин у ўқишни билмайди-да.

***

Ўқитувчи:

– Жаннатга боришни хоҳлаганлар қўлини кўтарсин... Али, сен нега қўлингни кўтармаяпсан?

Али:

– Ойим мактабдан чиқиб тўғри уйга кел,– деган эди.

***

Бош мудир ёш хизматчидан суради:

– Бошлиғингиз сизга вазифа бердими?

– Ҳа мудир афандим.

– Қандай вазифа берди? Билсак бўладими?

– Албатта, афандим... Сиз ишга келишингиз билан уни уйғотишим керак экан.

***

– Ўғлим, нимага бананни пустлоғи билан единг?

– Ичида нима борлигини биламан-да.

***

Тўқсонга кирган бадавлат кампирдан узоқ умр кўриш сирларини сўрашибди.

Кампир жиддий тарзда жавоб берибди:

– Менимча, Худо ворисларимнинг сабрини синамоқчи бўлгандир.

***

Икки арслон ўзаро суҳбатлашишяпти:

– Нимага бу одам сенга ҳар ҳафта гўшт олиб келади?

– Эсингдан чиқдими? Ўтган йили қайнонасини еган эдимку...

Турк тилидан Тоҳиржон АЗАМАТОВ таржимаси.

Ўн саккиз минг олам

ЎЧ

Ўзбекистонда бўриларни Боботоғдан то Уст-Юртгача бўлган ҳудудларда учратиш мумкин. Ўзбекистонда яшовчи бўрилар, Сибирда яшайдиган бўриларга қараганда анчагина кичик бўлади. Бўрилар ёз фаслида тоғнинг баланд қисмидаги яйловларда яшайди, улар йил давомида жуфт-жуфт бўлиб истиқомат қилади. Ургочилари ёлғиз юрмайди.

Бўрилар асосан тунда ов қилишга чиқади, уларни емаги асосан туёқли ҳайвонлардан тоғ эчкиси ҳисобланади, аммо мана шу жониворлар кам бўлган жойларда эса уй ҳайвонларидан: қўй, эчки, қулун, эшак кабиларга ҳужум қилади. Баъзан ит ва тулкиларнинг ҳам пайига тушишдан тоймайди. Мабодо емак учун ўлжа топа олмаган вақтларда тарвуз, қовун, мева ва ёввойи олмаларни ҳам паққос тушираверади.

Ёш ургочи бўрилар иккитадан тўрттагача, кексароқлари эса етти-дан ўнтагача болалайди.

Она бўрилар болалари йиғирма кунлик бўлганга қадар улар олдидан жилмайди, ота бўри эса уларни овқат билан таъминлаб туради. Бўри болалари икки ойликдан ошгандан кейин ота ва она бўри чала ҳолатда ўлдирилган ҳайвонларни олиб келиб, турли услублар билан болаларига ўлжани қай ҳолатда тутишни ўргата бошлайди. Болалари воя-га етгунга қадар ота-она бўри ўзлари макон қурган майдонга бошқа бўриларни киришига деярли йўл қўймайди.

Бўри болалари, ота-онасининг овдан қайтаётган вақтдаги увуллашига жавобан увуллаб жавоб қайтаради. Бўрилар ўн тўрт, ўн беш йил умр кечиради.

1996 йилда бир жамоа хўжалигида бўлган эдим. Хўжаликда асосан қишлоқ хўжалик экинлари етиштириларди. Шу боисдан у ерда на чангалзор, на бутазорлар мавжуд эмаслиги яққол кўзга ташланарди. Хуллас бўри, тулки ва бошқа турдаги ёввойи ҳайвонларни яшаб ҳаёт кечириши учун ҳеч қандай шароит йўқ эди.

Кунларнинг бирида, бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Эрта тонгда ўқувчи болалар мактабга бораётганда, қишлоқ четида бўри боласига дуч келишади, ўқувчилар бўри боласини мактаб томон қувлаб борадилар. Болалар қийқириғини эшитган маҳалла аҳли дарҳол тўпланиб, қўлларига калтак олиб, бўри боласини ўлдиришади.

Қишлоқдагилардан бири бўри боласини бошини кесиб, яхши ҳислату фазилатлар олиб келсин деган ният билан молхонага осиб қўяди. Орадан бир кун вақт ўтгач, кечаси ярим тунда ота-она бўри боласини боши осилган айнан шу хонадонни топиб келиб, тўрт қўйни бўғизлаб, иккитасини ярмисигача еб, бузоққа ҳужум қилади. Эрталаб уй эгаси тунда содир бўлган воқеани кўргач бўри боласини бош қисмини дарҳол узоқ даштга ташлаб келади. Аммо, анча кунгача кечалари шу хонадон атрофини аламзада ота-она бўри айланиб юради. Фақат овчилар томонидан бўриларга қарата бир неча бор ўқ узилгандан кейингина улар хонадонни тарк этишади.

Бўриларда ҳидни сезиш хусусияти кучли тараққий этганлиги боисдан оёқ изларида қолган ҳид орқали ота-она бўри шу хонадонни топиб келиб, ўз қасдини олгани асло бежиз эмасдир.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ, табиатшунос.

Бир бор экан, бир...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 28-умумтаълим мактабининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаш аъзоси Абдурашид Сатторович Раззоқовга ўғли

АЛИШЕРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компания раҳбарияти ва жамоаси компаниянинг масъул ходими Дилбар Ҳамидовага онаси

Тожинисо БОЙМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Р. Беруний номли Тошкент Давлат Техника университети, нефть ва газ факультети раҳбарияти ва ходимлари шу факультетнинг профессори, геология-минералогия фанлари доктори Зариф Собирович Иброҳимовга волидаи муҳтарамаси

Баҳринисо ая ИБРОҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Навоий вилояти пиллачилик кенгаши раиси Акрам Алиқуловга волидаи муҳтарамаси

Зумрад ая БОБОҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухородa — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Намангандa — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА